

Alisher Mamazhonov

*Andijan State University named after Z.M. Beaubourg
Associate Professor of the Department of General History, Candidate of
Historical Sciences*

Nodirbek Sattarov

*Z. M. Andijan State University named after Babur
1st year Master of the Department of World History*

Алишер Мамажонов

*Андижанский государственный университет имени З.М. Бобура
Доцент кафедры всеобщей истории, кандидат исторических наук*

Нодирбек Саттаров

*Z. M. Андижанский государственный университет имени Бабура
Магистр I курса кафедры всемирной истории*

ИТАЛЬЯНСКИЙ ПЕРИОД РИСОРДЖИМЕНТО

Аннотация: *Статья начинается с освобождения Италии от иноземных захватчиков в 90-е годы и объединения страны, получившего название Рисорджименто (Итальянское Возрождение). Конец застоя века, то, что этот период называется Новая время во всех сферах общественной жизни, взгляды видного представителя Рисорджименто Даниэля Манина изложены на научной основе.*

Ключевые слова: *Рисорджименто (Пробуждение Италии), человеческая цивилизация, иностранные захватчики, «Возрождение», Нью Эйдж, итальянские патриоты.*

Annotation: *The article begins with the liberation of Italy from foreign invaders in the 90s and the unification of the country, which is called the Risorjimento (Italian Renaissance). the end of the stagnation of the century, the fact that this period is called the New Age in all spheres of social life, the views of Daniel Manin, a prominent representative of the Risorjimento, are stated on a scientific basis.*

Keywords: *Risorjimento (Italian Awakening), human civilization, foreign invaders, "Renaissance", New Age, Italian patriots.*

Инсоният тарихи тўлқинланиб ётган чексиз уммонга ўхшайди. Унинг туби ҳам, поёни ҳам кўзга илғамас манзилларга бориб туташади. Тафаккур

маҳсули бўлган ва инсоният тамаддунини таъминлаган билимлар, кашфиётлар тарих катламларида қуйма олтиндек қат-қат бўлиб, курраи заминнинг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам зебу зийнатга, маъною мазмунга тўлдириб турибди. Бу билимларни чуқур ўзлаштирмай туриб, илм-фаннинг хали инсониятга маълум бўлмаган янги босқичига қадам қўйиш мумкин эмас. Ана шуларни ҳисобга олиб, биз ушбу мақолада Италиянинг Рисоржименто даври ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик.

XVIII асрнинг 90-йилларидан Италияни чет эл босқинчиларидан озод қилиш ва мамлакатни бирлаштириш учун ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат Рисоржименто(итальянча Уйғониш) номини олганлиги, аслида Ренессанс - Марказий Осиё, Эрон, Хитой (IX ва XV-асрлар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккур тараққиёт даври ҳисобланади. “Ренессанс” атамаси дастлаб Италия(Рисоржименто)даги маданий-маънавий юксалиш (XIV-XVI-асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта аср турғунлигига барҳам бериш босқичи деб баҳолаганлар.

“Шунинг учун ҳам бу давр ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Янги давр деб аталади” [1,203].

Ренессанснинг асосий аломатлари:

-тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий, фикрий имкониятларини юзага чиқариш;

- антик давр (юнон-рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш;
- черков схоластикасида кутулиш;
- адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик;
- ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш;
- инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш.

Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоёниш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар, илм-фан ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг -“Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун

доимий ҳаракатдаги ҳаётӣ дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос хамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим” [2,1],- деган муҳим вазифани кўйгани айни муддао бўлди.

Шарқнинг Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европадаги Уйғониш даврига бевосита таъсир этган. Чунки XII-XVI-асрларда мусулмон олами билан Европа давлатлари орасида алоқа кучайган эди. Айниқса, туташ чегара мамлакатлар: Қурдоба (Испания), Кавказ, Болқон ярим оролида бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб ўрганганлар. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, “Аш-Шифо”, Форобийнинг “Илмлар таснифи”, Аҳмад Фарғонийнинг “Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жами китоби”, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг “Алжабр вал муқобила”, Ибн Рушд, Абу Бакр Розий асарлари таржима қилиниб, кейинчалик нашр этилган.

Алгебра, алгоритм фанлари Хоразмий асарлари туфайли шаклланган. “Тиб қонунлари” етти аср мобайнида Европа ҳудудларида тиббиёт дарслиги сифатида хизмат қилди. Ибн Сино шогирди Ибн Рушд ғоялари Италия, Франция ҳурфикрлигини бошлаб берган [3,4].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг-“Фидоий ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар” [4,6],-деб айтганлари Миллий Уйғониш Учинчи Ренессанс пойдеворига раҳнамолигидан далолат беради.

Италияда Рисоржименто номини олган ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси Буюк француз инқилоби бўлди. Айнан инқилоб йиллари Апенин ярим оролининг турли қисмларида бошланган, республикачилик, феодал тартибларга ва австрияликларга қарши шиорлар остида бирлашган озодлик ҳаракатларига италиялик ватанпарварлар бошчилик қилдилар.

1846 йилдан итальян давлатларида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз 1848-1849 йиллари инқилобий тўлқинга айланди ва Европадаги инқилобнинг муҳим бўғини бўлиб қолди. Миллий-озодлик ва мамлакатни бирлаштириш учун кураш деҳқонлар оммаси ва шаҳар камбағалларининг чиқишлари билан қўшилиб кетди.

Ана шундай ҳаракатларга Рисоржиментонинг кўзга кўринган намояндаси Даниел Манин раҳбарлик қилди. Шунинг учун ҳам у Италияда Рисоржиментонинг етакчиси сифатида тан олинди.

Даниел Манин 1846-1847 йилларда Италиyani Австрияга қарши умумиталия урушига қатъий ва жанговар руҳда бўлди.

“1848 йил март ойида Венада юз берган инқилоб ҳақидаги хабар Ломбардия ва Венеция вилоятида австрияликларга қарши халқ ҳаракатига катта туртки бўлди. 1848 йил 17 мартда Венецияда кучли норозилик намоиши билан австрияликларга қарши бошланган кураш, март ойининг охирида Венеция республикасини эълон қилиш ва муваққат ҳукумат тузиш билан якунланди. Ҳукумат бошлиғи этиб Рисоржиментонинг кўзга кўринган намояндаси Д. Манин тайинланди”[5,207].

Австрия империясига қарши уруш ҳаракатларида Пьемонт қироллик кўшинлари билан бирга Папа вилояти, Тоскана, Неаполь қироллиги ҳарбий кучлари ҳам иштирок этди.

Урушнинг якуни Италиянинг кўплаб вилоятлари учун фожиага айланди.

Мустақиллик учун кураш ҳаракатлари бир неча йил давом этди.

Хулоса қилиб айтганимизда, 1861 йил февралда Турин шаҳрида Италия парламенти иш бошлади ва 14 март куни Виктор Эммануал Италия қироли деб эълон қилинди. Бу билан Рисоржиментонинг асосий вазифаларидан бири-мамлакатни бирлаштириш ҳал қилинди. Папа вилояти ва Венеция ҳали бу давлат таркибига қирмай қолди. Италия озодлиги учун курашаётган кучларда ички қарама-қаршилиқлар катталиги сабабли Рисоржиментонинг ижтимоий вазифалари бажарилмай қолди.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев С. ва бошқ. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси.-Т.: “Шарқ”. 2003. 208 б.
2. Саидов А. Инсоният тафаккури жавоҳирлари. - Тошкент. / ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН. 33(289)-сон. 2021 йил 16 февраль.
3. Уйғониш даври. <https://qomus.info/>
4. Долимов У. Миллий уйғониш даврининг улуғ сиймоси. - Тошкент. / ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН. 123(379)-сон. 2021 йил 18 июль.
5. Эргашев Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. II-қисм.1800-1918 йиллар) - Т.: “Ўзбекистон”. -2015. 566 б.